UZCE
uzbek exchange

2023 ЙИЛ ЯНВАРЬ ОЙИ БЎЙИЧА “ЎЗРВБ” АЖ БОЗОРЛАРИ ШАРҲИ




@uzrvb_uz @uzrvbinfo @uz_ce_

2023 йил январь ойи якунлари бўйича “Ўзбекистон республикаси валюта биржаси” АЖ (ЎзРВБ) бозорлари шарҳи

2023 йил январь ойида ЎзРВБдаги савдолар умумий ҳажми рекорд даражани - **83,78 трлн.** сўмни ташкил этиб, ўтган йилнинг мос кўрсаткичига нисбатан 104,32%га ошди. Бу бир ой учун мутлақ максимал миқдор ҳисобланади.

ЎзРВБда савдоларнинг умумий ҳажми



2023 йил январ ойида банкларараро пул бозори ва Марказий банкнинг депозит аукционларидаги жами битимлар улуши 46,00% ёки 38,53 трлн. сўмни ташкил этди, бу эса ушбу бозорнинг етакчи ўринни эгаллашига имкон берди.

ЎзРВБ бозорларининг умумий савдо ҳажмидаги улуши




Валюта бозори

ЎзРВБ валюта бозорида валютавий спот ва своп операциялари амалга оширилади. Бугунги кунда, ушбу бозорда USD/UZS, EUR/UZS, RUB/UZS ва CNY/UZS валюта жуфтликлари бўйича инструментлар жорий этилган.

2023 йил январь ойи якунларига кўра валюта бозоридаги савдолар умумий ҳажми **37,89 трлн.** сўмни ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (18,47 трлн. сўм) нисбатан 105,15% ошди.

Валюта бозоридаги савдолар ҳажмининг қиёсий динамикаси




Пул бозори

ЎзРВБ пул бозорида банкларарo депозит операциялари амалга оширилиб, бир кундан бир йилгача бўлган муддатга маблағларни жойлаштириш/жалб қилиш бўйича битимлар тузилади ҳамда тижорат банкларининг пул маблағларини жалб қилиш бўйича Марказий банкнинг депозит аукционлари ташкил этилади.


2023 йил январь ойи якунларига кўра пул бозоридаги савдоларнинг умумий ҳажми **38,53 трлн.** сўмни (*банкларарo пул бозори – 25,01 трлн.сўм, Марказий банкнинг депозит аукционлари – 13,52 трлн.сўм*) ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (14,53 трлн. сўм) нисбатан 2,7 баробар ошди.

Пул бозоридаги савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси




Ҳисобот даврида банкларарo пул бозорида 25,01 трлн. сўм миқдорида битимлар тузилди. Бозорда маблағларни жойлаштириш/жалб қилиш бўйича битимлар аксарияти (72,48% ёки 18,13 трлн.сўм) бир кунлик (овернайт) муддати билан тузилди. Бир ҳафтагача бўлган муддатга жойлаштирилган депозитлар улуши 23,99% ёки 6,00 трлн.сўмга тенг бўлди. Қолган битимларнинг умумий ҳажми 0,88 трлн. сўм ёки умумий ҳажмнинг 3,54 фоизини ташкил этди.

2023 йил январ ойида стандартлаштирилган даврлар кесимида банкларaро пул бозори таркиби



2023 йил январь ойида “1 кун” муддатга жойлаштирилган/жалб қилинган депозитлар бўйича ўртача тортилган даромадлилик қиёсий динамикаси




Ушбу давр мобайнида Марказий банкнинг депозит аукционларида тузилган битимлар ҳажми 13,52 трлн. сўмни ташкил этган бўлиб, битимлар бўйича даромадлилик Марказий банкнинг асосий ставкаси даражасида белгиланди.

Қарз бозори


ЎзРВБ қарз бозорида давлат қимматли қоғозлари (ДҚҚ) - Молия вазирлигининг облигациялари ва мажбуриятлари, шунингдек Марказий банкнинг облигациялари бўйича савдолари амалга оширилади.

Ҳисобот даврида ушбу бозорда жойлаштирилган ДҚҚ ҳажми (7,18 трлн. сўм) 2022 йилги мос кўрсаткичга (7,02 трлн. сўм) нисбатан бир оз кўпайди.


2023 йил январь ойида ДҚҚнинг муомала даври бўйича жойлаштирилиши



Қарз бозорида савдолар умумий ҳажмининг қиёсий динамикаси



2023 йил январ ойида ўтказилган бирламчи аукционлар натижаларига кўра, муомала даври бир йилгача бўлган қисқа муддатли ДҚҚ бўйича ўртача тортилган даромадлилик 16,40% -16,94% оралиғида ўзгариб турди.



Ҳисобот даврида ДҚҚнинг иккиламчи бозоридаги савдолар ҳажми 0,17 трлн. сўмни ташкил этиб, ўтган йилги мос кўрсаткичга (0,98 трлн. сўм) нисбатан 0,81 трлн.сўмга камайди.

2023 йил 31 январь ҳолатига ЎзРВБ депозитарийсининг ҳисоб регистрларида номинал қиймати бўйича сақланаётган ДҚҚ ҳажми ўтган йилги мос кўрсаткичга нисбатан 44,23%га ошган бўлиб **27 847,33 млрд.** сўмни ташкил этди.

Шунингдек, муомала даври кесимида муомала муддати бир йилгача бўлган қимматли қоғозлар улуши кўпроқ бўлди. Шу билан бирга, ўрта ва узоқ муддатли қимматли қоғозлар улушининг ўсиши ҳам кузатилмоқда.

ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

млрд. сўм

Муомала даври	2022 йил 31 январь ҳолатига	2023 йил 31 январь ҳолатига	Ўзгариш
3 ойгача	10 100,00	12 700,00	25,74%
3 ойдан 6 ойгача	6 002,60	6 612,81	10,17%
6 ойдан 1 йилгача	1 579,66	3 392,30	114,75%
1 йилдан 5 йилгача	1 615,33	4 832,22	199,15%
5 йилдан 10 йилгача	10,00	310,00	31 баробар
Жами	**19 307,59**	**27 847,33**	44,23%

2023 йил 31 январь ҳолатига эмитентлар кесимида ЎзРВБ депозитарийсида ҳисобга олинган муомаладаги ДҚҚ ҳажми

Муомала даври	Молия вазирлиги ДҚҚлари	Марказий банк облигациялари	Жами
3 ойгача	0,00	12 700,00	12 700,00
3 ойдан 6 ойгача	3 612,81	3 000,00	6 612,81
6 ойдан 1 йилгача	3 392,30	0,00	3 392,30
1 йилдан 5 йилгача	4 832,22	0,00	4 832,22
5 йилдан 10 йилгача	310,00	0,00	310,00
Жами	**12 147,33**	**15 700,00**	**27 847,33**

ЎзРВБ - республиканинг энг йирик ва кўп функцияли биржа платформаси, савдо майдонлари, ҳисоб-китоб ва клиринг тизими ҳамда депозитарийни ўз ичига олган ноёб интеграциялашган тизим бўлиб, валюта, пул ва муддатли бозорларда, шунингдек, давлат қимматли қоғозлари бозорида биржа савдолари ташкилотчиси ҳисобланади.